



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илимий-методикалық журнал

№ 3/1 2024



гуманитарные науки
естественные науки
технические науки



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2024

3/1-сан

*Ўзбекистон Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз хәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы ғуўалық берилген.*

3/1-сан 2024

март

Шөлкемлестіріушілер:

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Хушбоқ НОРБҰТАЕВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Улфат МАҲҚАМОВ
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Сапардурды АБАЕВ	Сафо МАТЧОН
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Шукурилло МАРДОНОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ	Камаладин МАТЯКУБОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ	Раъно ОРИПОВА
Интизар АБДИРИМОВА	Бахтиёр РАХИМОВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ	Фуркат РАЖАБОВ
Марифжон АХМЕДОВ	Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)
Умида БАҲАДИРОВА	Дилшода САПАРБАЕВА
Фархад БАБАШЕВ	Феруза САПАЕВА
Ботир БОЙМЕТОВ	Зайниддин САНАҚУЛОВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Қаххор ТУРСУНОВ
Шахло БОТИРОВА	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Нурзода ТОШЕВА
Асқар ДЖУМАШЕВ	Қуанишбек ТУРЕКЕЕВ
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Тажибай УТЕБАЕВ
Алишер ЖУМАНОВ	Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Холбой ИБРАГИМОВ	Амангелди КАМАЛОВ
Шохида ИСТАМОВА	Вохид КАРАЕВ
Умида ИБРАГИМОВА	Гулмира ҚАРЛЫБАЕВА
Лола ИСРОИЛОВА	Ризамат ШОДИЕВ
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз, Қазақстан)	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Асқарбай НИЯЗОВ	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Сабит НУРЖАНОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Захия НАРИМБЕТОВА	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
	Гулрухсор ЭРГАШЕВА
	Гавхар ЭШЧАНОВА
	Қонысбай ЮСУПОВ



МАЗМУНЫ

ТИЛ ХАМ АДЕБИЯТ

Тилеумуратова Г.Т. Қорақалпоқ адабиётини ўқитишда халқ оғзаки ижодидадан фойдаланиш усуллари	9
Aytbayev D.T. Ergash gapli qo'shma gaplarda diktum va modusning ifodalanishi	13
Mamarizayeva F.Z. Tarjimada badiiy asar uslubini saqlashning turli strategiyalari va bu jarayonning o'ziga xosligi (S.Ahmadning "Jimjitlik" asari misolida)	17
Qurbonova D.A. Neyrolingvistikaning fan sifatidagi ahamiyati	22
Odiljonova K.A. Leksikologiya hamda uni o'qitishga doir o'quv materiallari mazmuni hamda o'quvchilarda leksik kompetentlikni shakllantirish hamda so'zdan foydalana olishning mavjud ahvoli	27
Sultonkulov O.J. Zamonaviy tilshunoslikda "Vaqt" konseptini pragmatik jihatdan o'rganish masalalari	34
Еркибаева Г.Г., Турсуналиева Г.Б., Абдикаримов А. Фразеологические словари и фразеологическая компетенция	39
Otabayev M. N. The role of games in teaching English	45
Majidova G. Strategies for developing students' critical thinking skills in teaching foreign languages	49

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Turumbetova A. Oqiw sabaqlaridan tisqari dógerek jumislarin ótkeriw metodikasi	54
Temirbekova A.O., Saribaeva B. Jáhán tálim sistemasında - tálim	63
Тулишов Ғ. Талабаларда креативлиқни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари	67
Ismadiyarova U.A. Ma'naviy-ahloqiy tarbiya mexanizmlarini etnopsixologik qadriyatlar asosida takomillashtirish	73
Юсупов С. С. Таълим-тарбия тизимини бошқарувида раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолиятининг педагогик асослари	80
Абдурахимов Қ.А. Тафаккур жараёнига айтиб туришларнинг таъсири ва роли	89
Рўзиматов Э.Й., Рўзиматов Э.Э. Замонавий ўқитувчи-келажак бунёдкори	99
Turdiqulova N.T. Kasbiy kompetentlikni shakllantirish jarayonida xorijiy tajribalardan foydalanishning samaradorligi	103
Хамрокулова Ш.Э. Даволаш педагогикасининг фан сифатида ривожланиши	113
Содиқов У., Жўраев А. Масалаларни ечишда ўқувчиларда математик моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш	120
Абдуллаева Г.А. Маънавий тарбияни миқдорий хусусиятлари	125
Хайдарова Х.Р. Ёшлардаги ахборот-виртуал саводхонлиқни ривожлантиришда рақамли медианинг роли	130
Хамрокулова Ш.Э. Экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришнинг методологик асослари	135
Худайназаров Т.А. Талабалар ўқув фаолияти самарадорлигини таъминлашда рағбат ва жазо феноменларининг роли	141
Ахрарова З.Б. Маънавий - ахлоқий тарбия жараёнларида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижтимоий – педагогик меросидан фойдаланиш	148
Jumabaev A.D. Axloqiy ta'limda qo'llaniladigan usullar va texnologiyalarning o'ziga xos xususiyatlari	154
Xushbaqov D. Q., Sodiqov U. J. Talabalarda mental dunyoqarashni rivojlantirishning pedagogik shart-sharoitlari	163
Sultansaidova M.A. Xorijiy tajribalar asosida bo'lajak tarbiyachilarda kasbiy kompetensiyalarni rivojlantirish	170
Абдурахимова Д.А. Интегратив ёндашув асосида бўлажак офицерларнинг ахлоқий-руҳий, жанговар компетентлигини ривожлантиришда маънавий маданиятнинг роли	175
Mirzayev Sh.T. Harbiy ta'lim fakultetlari talabalarining innovatsion fikrlashlarini rivojlantirish omillari	182




Urozo F.I. O'quvchilarni milliy o'zlikni anglash kompetensiyalarini shakllantirishning pedagogik imkoniyatlari	188
Normurotova A. Tabiiy fanlarni o'qitish mexanizmlarini integrativ yondashuv asosida takomillashtirish	194
Muxtarova L.A. Jahon ilm-fanida ekologik xavfsizlik muammolarini o'rganish tendensiyalari	201
Sapayev U.A. Ta'lim jarayonida talabalarni innovatsion faoliyatga tayyorlash mexanizmlarini yaratish zarurati va uni jamiyatni rivojlanishidagi ahamiyati	209
Ibadullayev Q.M. O'zgaruvchan dunyoda psixologik-pedagogika fanining o'zgarishi	213
Teshabayeva Z.S. Ta'limni modernizatsiya qilish sharoitida mustaqil ta'lim loyihalari orqali talabalarining kasbiy mahoratlarini shakllantirish	219
Shodiyeva G.X. Ijtimoiy-gumanitar fanlarga oid darsliklarning o'qitilish jarayonini o'rganishning pedagogik mazmuni	222
Ruzmetova M.A. Bo'lajak pedagogning kasbiy kompetentsiyasi tushunchasining mazmun va mohiyati	227
Исманова М.А. Талабаларда касбий-креатив кўникмаларни шакллантиришнинг ривожлантириш йўллари	232
Saidqulova G.O. Yangi O'zbekiston sharoitida ta'lim muassasalari rahbarining jamoada axloqiy muhitni shakllantirishdagi pedagogik yondashuvi	239
Abdumannopov M. I. Talabalarini pedagogik faoliyatga tayyorlashda e-assessmentning pedagogik-psixologik jihatlari	242
Xolmatova S.K. Kredit-modul tizimi bo'yicha ta'lim olayotgan talabalarining mustaqil ishini tashkil etish	247
Axmadaliyev S.Y. Ta'lim va tarbiya uzluksizligini amalga oshirishning elektron resurslari	252
Бабашев Ф.А. Новые возможности в PR-продвижении высших образовательных организаций в Узбекистане: состояние, перспективы развития	255
Кадыркулов Е. Актуальные вопросы современной психологии	259
Shodmonov Sh.A. The impact of digitalization of education on contemporary pedagogy	263
Mominova G. Pedagogical conditions for the organization of home education for students with disabilities	269

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Овлақулов Н.А. Ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштирда оммавий ахборот воситаларининг ўрни	274
Уралова Р.М. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети асосий кутубхонасининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти	278
Рустемов А.Т. Умумтаълим мактаб ўқувчиларида толерантлик маданиятини шакллантиришда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг роли	284

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Xojanazarova R.M., Bazarbaeva S.K., Ametova U.SH., Tanirbergenova S. Oliy o'quv yurtlarida kvant mexanika kursini o'qitishda izchillik va uzluksizlik tamoyillarini qo'llanishning nazariy asoslari	288
Muslimova Yu.Ch. Umumiy astronomiya kursida "gravitatsion to'liqlar" mavzusini o'qitish	296
Muslimova Yu.Ch. Pedagogika universitetida astronomiyani o'qitishni takomillashtirish	301
Hakimov B. M. Geogebra yordamida tasvirlarni modellashtirish	306
Tursunov Q.Sh., Murodillayeva M. A. Neft gaz kimyo sanoati texnologiyasi ta'lim yo'nalishi talabalarida kasbiy mobillikni shakllantirish muammolari	311
Давронов Ш.Р., Муродова У.М. Анализ стандартов и протоколов в сфере интернета вещей усовершенствование модели передачи данных	319



ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ-КРЕАТИВ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Исманова М.А.

Чирчиқ давлат педагогика Университети “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: креативлик, инкубация, инсайт, малакалар, гностик, STEAM технологияси, аспект, кўникма.

Ключевые слова: творчество, инкубация, озарение, навыки, гностик, STEAM-технология, аспект, навык.

Key words: creativity, incubation, insight, skills, gnostic, STEAM technology, aspect, skill.

Талабаларда касбий-креативлик кўникмаларни шакллантиришда билиш жараёнлари муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан сезги, идрок, тафаккур, хаёл, диққат ва мулоқот, ҳис-туйғулар турли фаолият жараёнида намоён бўлади. Креативлик сифатлар мантикий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш орқали шаклланади. Талабалар зарурий махсус топшириқлар ёрдамида креатив ҳаракатларни бажаради (продуктивлик, репродуктивлик, изланувчанлик, янгилик яратиш, ғояларни саралаш) натижада ўзаро фаоллик ва ҳамкорлик ривожланади. Профессор-ўқитувчилар талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида уларни фикрлашга ундовчи мотивацион топшириқлар, кейс вазифалари бериши мақсадга мувофиқ.

“Креативлик” тушунчаси Д.Симпсон томонидан 1922 йилда фанга киририлган. Креативлик интуиция, прогноз қила олиш, ассоциация ярата олиш, импровизация қилиш, синтез, диққатни кенг фокусда бўлиши билан тавсифланади. Рефлексив тафаккур қилиш орқали ўз фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш.

Француз олими Ж.Адамер ижодий жараёни тўртта босқичга ажратади [Мухина Т.Г. Педагогические сопровождение формирования креативности студентов в условиях непрерывного образования в сфере дизайна. Нижний Новгород 2016-154 с.12-бет]



Тайёргарлик-муаммоларни аниқлаш. Уни ҳал этишга дастлабки уринишларни амалга ошириш.

Инкубатция-вақтинча муаммо ақлан фикрлашдан чегараланади ва тасодифий равишда ечимларни жамлайди.

Инсайт-бирдан ақлига ғоя келиш, фикрлашни равшанлашуви. Муаммо ечимларини кутилмаган ғоялар билан амалга ошириш. Позитив эмоциялар ва яхши кайфият, ғайрат билан ишлашга бўлган иштиёқни ортиши.


Натижаларни мақуллаш-олинган ечимларни мантиқий жиҳатдан асослаш. Ечимларни қисқа ёки узоқ муддатларда амалга оширишни режалаштириш. Бунда кўникма, малака, ресурс ва воситалар муҳим рол ўйнайди.


Ф.Барон ижодий жараёнда мотивациянинг ўрни муҳим эканлигини тадқиқ қилади, шунингдек ижтимоий муҳитдаги омиллар ҳам таъсир кўрсатишини асослайди. Олим креативликни шаклланишига таъсир қилувчи микромуҳитдаги параметрларни тавсия этган [Barron F. Creative , intelligence and personality. In: Annual Review of Psychology. Vol.32, P.439-476.].

Хорижлик педагог Патти Драппининг фикрича, “ўқитувчининг креативлиги бошқа (талаба)ларни ижодий жараёни ташкил этишга руҳлантиради, креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамиша изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин” [Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria-Virginia, USA: ASCD, 2014.P. 8-10.]. Креативлик устида ишлаш талабаларга ноодатий тарзда фикрлашга ёрдам беради. Шунингдек, muammoli vaziyatlarni hal qilar ekan, masala yechimini topishga ijodiy yondashishi unda hissiy-irodaviy sifatlarning rivojlanishiga yordam beradi.

Талабаларда касбий-креативлик кўникмаларни шакллантиришда ижодий малакалар муҳим ўрин эгаллайди.

Келтириган креативлик малакалар асосида талабалар касбий билимларни мустаҳкамлаш, таълимий вазиятлардаги муаммоларни ечимини топиш ўз устида ишлаш каби тажрибаларни эгаллайди.





Талабалар о'з oldiga muammoli masalalarni qo'yish orqali mavjud bilimlari va hayotiy tajribalariga zid bo'lgan dalillar bilan to'qnash keladi. Buning natijasida o'z ustida ishlash, mustaqil o'qib o'rganishga nisbatan ehtiyoj sezadi. Талабаларни ilmiy-tadqiqot ishlariga жалб этиш yoki ijodiy loyihalarni amalga

oshirishi ularda kreativlik potensialini yanada rivojlantiradi. Талабаларда ijodkorlik ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муайян vaqt ichida mustaqil o'qib- o'rganish, o'z ustida ishlash orqali shakllanadi. Kreativlik muayyan bosqichlarda izchil shakllantirib va rivojlantirilib boriladi. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий позицияси талабаларда креатив кўникмани шакллантиришда алоҳида таъсир кўрсатади. Талабаларда турли муаммоларни ностандарт ечимини излаш ва эркин фикрлаш малакасини ривожлантириш, маъсулиятини ошириш муҳим ҳисобланади. Ўзлаштирилган билимларни назарий ва амалий жиҳатдан амалиётга жорий этишда креатив ёндашиш самара беради.

Е.Р.Torrens ўз изланишларида креативлик кўникмасини аниқлаган:

- 1.Равонлик. Кўплаб ғояларни ўйлаб топиш.
2. Мослашувчанлик. Турли ғояларни ўйлаб топиш ва ўзгартириш.
3. Ўзига хослик. Бошқаларга ўхшамаган, ажралиб турувчи ғояни ўйлаб топиш кўникмаси ноёблик.
4. Яратувчанлик. Ғояларни кенгайтириш ва татбиқ этиш [Е.Р.Torrens].

Е. Е. Shcherbakova “Kreativlik ta'lim jarayonining har bir ishtirokchisiga imkoniyat yaratadi”, degan ғояни илгари суради [Щербакова Е.Е. Половозрастные особенности развития творческого мышления(БАК, РИНЦ) Печ. Вестник психофизиологии – 2017. – №1. С.36-41. 6 с.]. Ҳар бир талабага нафақат boshlang'ich ijodiy salohiyat rivojlanishiga, balki kelajakda o'zini strategik rejasisga эга бўлиш, педагогик фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда o'zi ijodiy o'zini o'zi rivojlantirish кўникмасини эгаллаши лозим. Маълумки, бугунги кунда талабалар ўзлаштирган билимларини “4+2” амалиёти орқали мустаҳкамлайди, уларда натижада уларда касбий рефлексия тажрибаси ҳам шаклланади. Продуктив тафаккурнинг муҳим механизми ҳисобланади. Талабаларда рефлексия ички ва ташқи томондан амалга оширилади, ўз-ўзини таҳлил қилади, ҳатти-ҳаракатларини баҳолай-



ди. Ташқи таҳлил жамоавий фикрлаш, муаммо ечимини биргаликда ҳал этиш билан ифодаланади.

Олий таълим жараёнида талабалар креатив қобилият ривожланади, чунки ижодий жиҳатдан ўз-ўзини таҳлил қилади, ўзини фаоллаштириш, билим, кўникма ва малакаларини татбиқ эта олади.

В.А.Сластенин “индивидуализаторлик” касбий фаолиятни энг муҳим хусусияти бўлиб, талабларда танлаган соҳасига қизиқиш ортишини таъкидлайди [Сластенин В. А., Подымова Л. С. Педагогика: Инновационная деятельность. М., 1997.]. Ижодий индивидуаллик талаба шахсининг категорияси сифатида намоён бўлади.

Олимнинг илмий тавсиялари асосида тадқиқотимизда касбий-креатив кўникма шаклланган талаба портретини ишлаб чиқдик.

Касбий-креатив сифатлар	Шахсий сифатлар
Ижодий ташаббускорлик	Маъсулиятлилик
Интеллектуал қобилият	Зукколик ва уддабуронлик
Билимлар кенглиги ва мукаммаллиги	Илмий дунёқараш
Ижодий фикрлашга мойиллик	Яратувчанлик
Қарама-қарши фикрларга зийраклик	Мулоқот маданияти
Ички ҳис-туйғуларни енга олиш қобилияти	Ўз-ўзини бошқариш
Ахборотларга очиқлик	Минталитетга амал қилиш
Янгиликларни англаш	Маълумотларни танлай билиш
Касбий маҳорат ва билимга чанқоқлик	Ўз касбини севиш

Мамлакатимизнинг етук психолог олими Э.Ғозиев “талабалар тафаккури, асосан уқиш, амалий машғулоти ва мустақил билим олиш фаолиятларида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Ҳар иккала таълим шакли ҳам талабалар ақлий меҳнати, мақсадга йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган дикқати ердами билан амалга оширилишини асослайди” [Э.Ғозиев Тафаккур психологияси. Дорилфунун талабалари учун қўлланма.- Т.Ўқитувчи, 1990 Б. 184, .].

Хотира бисотидаги билимларни изчил равишда тартибга келтириш, эсга тушириш, улар ичидан энг муҳим жиҳатларини ажратиш, узаро таккослаш, туркумларга киритиш, умумлаштириш билиш жараенининг ақлий йул билан, яъни тафаккур ердами билан амалга оширилади.

Олий таълим узлуксиз равишда ижодий тафаккурни талаб қиладиган, муаммоли хусусиятдаги топширик ва масалалар тизимидан иборатдир. Ҳар бир маъруза, семинар машғулоти, мустақил топшириқлар, лаборатория ишлари ҳам муаммоли вазият, ҳолатнинг таркибий қисмларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал қилиш ижодий изланишни вужудга келтиради. Чунки муаммо ҳолатгача давр, муаммоли вазият, ундан кейинги ақлий жараёнлар



хам талабадан ижодий қидирув, тадқиқот фаолиятини талаб қилади [Ғозиев Э. Олий таълим психологияси Т- Ўқитувчи -1997.-100 б 35-37 бетлар.].

Топшириқни мустакил бажариш талабадан тафаккур операциялари ва шаклларида фойдаланишни талаб қилади. Талабаларни ўқув фаолияти ёки таълимий усуллар билан таништириш тафаккур ривожда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, тушунчаларга турли нуқтаи назар билан қараш усулини талабаларда таркиб топтириш вау ни шароитга кўчиришга ўргатиш юўори кўрсаткичлар беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, одатда усулларнинг кўчишини бирданига, аста-секин, бузиб-тузатиб, қайта кўриш, таркибини янгидан тузиш, кўргазмалар материалдан матнли материалга ўтиш каби кўринишлари мавжуддир.

З.К.Исмаиловнинг фикрича “талабаларни креатив фикрлашга ўргатиш, уларда мантикий тафаккурни шакллантира олиш учун аввало ўқитувчининг ўзи ижодкор шахс бўлиши зарур. Ўқитувчининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этиш, янги ғояларни таълим жараёнида синаб кўришга интилиши зарур”. Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича “талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда ёш ўқитувчиларнинг “креативлик харитаси”дан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Педагоглар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда мотивацион метод ва усуллардан фойдаланади. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, у талабаларда креатив фаолият жараёнларини ташкил этишда восита сифатида қўлланилади. Талабаларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга урғу берилади. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилса, креатив фикрлаш юз беради” [Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография.Т.-:«Фан ва технология» нашриёти, 2013.-14-бет.]

Тадқиқотимизда олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари ва ўқув дастури, ўқув қўлланма ва дарсликларни таҳлил қилдик. Натижалар шунини кўрсатдики, талабаларда касбий-креативлик кўникмасини ривожлантириш яққол вазифа сифатида берилмаган. Хусусан “Мақтабгача педагогика”, “Kasbiy kompetensiya.Pedagog tarbiyachilar kasbiy kompetentligining uch aspekti”, “Мақтабгача таълимда STEAM” технологияси фанларида қисман креативликни ривожлантиришга бағишланган. Шу сабабли талабаларда касбий-креативликни шакллантиришда таълим-тарбия жараёнида аниқ мақсад белгилаш, қизиқарли, мураккаб вазифаларни бажариш, креатив фикрлаш кўникмаларини бошқа кўникмалар билан ривожлантиришга ёрдам




бериш мақсадга мувофиқ. Профессор ўқитувчилар талабаларни интерактив суҳбатлар орқали рағбатлантириши, уларнинг ғояларига конструктив шарҳ бериш, инновацион лойиҳалар билан таништириш, жамоа бўлиб ишлай олиш малакаларини ривожлантириши муҳим. Талабалар ҳиссий жиҳатдан эркин ва ижобий фикрларга эга бўлишлари учун ижодий ва соф психологик муҳит яратиш талаб этилади. Талабаларда касбий-креатив сифатларни сифатларни ривожлантирувчи самарали метод, восита ва технологияларнинг тўғри танлаш ва уларни татбиқ этиш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Бугунги кунда ижодий ва инновацион фаолиятни ташкил этишда ахборот майдони имкониятларидан кенг фойдаланиш давр талаби саналади. Талабаларнинг креативлик қобилиятлари рағбатлантирилса ва ўқитувчи томонидан самимий муҳит талабаларни жуфтликда, кичик гуруҳларда фаол ишлашлари учун шароит яратилса, мустақил, ижодий, танқидий креатив фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

М.Турдиева креативликка қуйидагича таъриф беради “турли вазиятларда таълим-тарбияга оид масалалар юзасидан қарорларни қабул қилишда яққол намоён бўлиб, у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди” [Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 15-б.]. Олима педагогларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологияларни тавсия этади. Таълим жараёнини кузатиш, бевосита педагогик жараёни ташкил этишда талабаларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билан бирга касбий фаолиятни ташкил этишда намоён бўлувчи ижодий малакаларни ривожлантирувчи қуйидаги усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Яъни улар таянч тушунчаларни аниқлаш, мавзу ичида кичик мавзуларни ҳосил қилиш, тизимлаштириш, мавжуд тушунчаларни бойитиш, педагогик вазиятларни ҳал қилиш [Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. 36-40-б.].

Креатив талабаларнинг фаолиятида янгиликка бўлган эҳтиёж устунлик қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, креатив шахс нафақат ўз-ўзини англаш, балки ўқув жараёнини мазмунли ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон фармони.
3. «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» № 3151, 27.07.2017 (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда) Қарори.

5. Мухина Т.Г. Педагогические сопровождение формирования креативности студентов в условиях непрерывного образования в сфере дизайна. Нижний Новгород 2016-154 с.12-бет]

6. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria-Virginia, USA: ASCD, 2014.P. 8-10.].

7. Щербак Е.Е. Половозрастные особенности развития творческого мышления(БАК, РИНЦ) Печ. Вестник психофизиологии – 2017. – №1. С.36-41. 6 с.].

8. Э.Ғозиев Тафаккур психологияси. Дорилфунун талабалари учун қўлланма.- Т.Ўқитувчи, 1990 Б. 184. .

9. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. 36-40-б.].

10. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография.Т.:«Фан ва технология» нашриёти, 2013.- 14-бет.].

РЕЗЮМЕ

Талабаларни касбий жиҳатдан камол топтириш, педагогик фаолиятга тайёрлашда креатив кўникмаларни шакллантириш муҳим саналади. Касбий стуклик талабаларда ривожланиш ғояларини қарор топишдан бошланиб, касбий фаолиятни яқунланишига давом этади. Талабаларда касбий-креатив кўникмаларни шаклланиши уларда ички ва ташқи мотивация, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳамда узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ. Уларда танқидий, креатив тафаккурни ривожлантириш орқали ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топиш кўникмаси шаклланади. Шунингдек, талабаларда касбий билим олишга бўлган мотивацияни ошириш, уларнинг ижодий ютуқларини рағбатлантириш креативлик кўникмасини оширишга туртки бўлади. Ушбу мақолада талабаларда ижодий-креативлик кўникмаларини шакллантиришда таълим жараёнини тутган ўрни, креатив талабага хос хусусиятларни таркиб топтириш технологиялари, талабаларда креативлик кўникмаларини шакллантириш метод ва усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

Важным считается профессиональное развитие студентов, формирование творческих навыков при подготовке к педагогической деятельности. Профессиональная зрелость начинается с решения студентов развивать идеи и продолжается до окончания профессиональной деятельности. Формирование профессионально-творческих навыков у студентов зависит от их внутренней и внешней мотивации, социально-экономических условий, содержания деятельности, требующей преемственности и преемственности. Благодаря развитию критического и творческого мышления они развивают способность мыслить творчески и выдвигать новые идеи. Также повышение мотивации студентов к получению профессиональных знаний, поощрение их творческих достижений будет стимулировать совершенствование творческих навыков. В данной статье представлена информация о роли образовательного процесса в формировании творчески-творческих способностей у студентов, технологиях создания контента особенностей творческого ученика, методах и методах формирования творческих способностей у студентов.

SUMMARY

The professional development of students and the formation of creative skills in preparation for teaching are considered important. Professional maturity begins with students' decision to develop ideas and continues until the end of their professional career. The formation of professional and creative skills in students depends on their internal and external motivation, socio-economic conditions, and the content of activities that require continuity and continuity. By developing critical and creative thinking, they develop the ability to think creatively and come up with new ideas. Also, increasing students' motivation to acquire professional knowledge and encouraging their creative achievements will stimulate the improvement of creative skills. This article provides information about the role of the educational process in the formation of creative abilities in students, technologies for creating content about the characteristics of a creative student, methods and techniques for developing creative abilities in students.